

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**



**ОФТАЛЬМОЛОГИЯ
КАФЕДРАСИ
НИЗОМИ**

ТОШКЕНТ 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент тиббиёт академияси
ўқув ишлари бўйича проректор
проф. _____ Боймурадов Ш.А.
« ____ » _____ 2017 й.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
2011 йил “03” декабр 487 - сонли
буйруғи билан тасдиқланган
“Олий таълим муассасасининг
кафедралари тўғрисида”ги низом
асосида тайёрланган

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ДАВОЛАШ
ФАКУЛЬТЕТИГА КАРАШЛИ ОФТАЛЬМОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ
ТЎҒРИСИДАГИ**

НИЗОМ

Кўз касалликлари кафедраси
йиғилишида муҳокама
қилинган, баённома № ____
« ____ » _____ 2017 й.

Тошкент – 2017 й.

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

ОФТАЛЬМОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ ТЎҒРИСИДАГИ

Н И З О М

Мазкур низом Ўзбекистон республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларига ҳамда “Олий таълим тўғрисида”ги Низомга мувофиқ олий таълим муассаси кафедраси фаолиятини ташкил этиш тартибини белгиловчи Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011йил 3 декабрь №487-сонли буйруғига иловага мувофиқ “Олий таълим муассасасининг кафедралари тўғрисида намунавий Низом” асосида тайёрланди.

I. Умумий қоидалар

1. Куз касалликлари кафедраси ТТА даволаш факультетининг таркибий бўлинмаси бўлиб, унда офтальмология фани бўйича ўқув, услубий, илмий-услубий, илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ташкилий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар амалга оширилади.

2. Кафедра таркибида профессорлар - 2, доцентлар - 3, катта ўқитувчи - 1, ассистентлар - 6, хона мудири - 1 фаолият кўрсатмоқда.

3. “Куз касалликлари” кафедрасининг профессор-ўқитувчилар таркиби «Таълим муассасаларига педагогик ходимларини танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ишга қабул қилинади.

II. Кафедрани ташкил этиш ва бошқариш

3. Кафедра, камида еттига ўқитувчи мавжуд бўлганда уларнинг бири, одатда, профессор илмий унвони ёки фан доктори илмий даражасига ва камида иккитаси фан номзоди илмий даражаси ёки доцент илмий унвонига эга бўлганда ташкил этилади.

4. Кафедра ўқув-тарбиявий ва илмий жараёни таъминловчи ўқув ва илмий лабораторияларга, кабинетларга эга.

5. Кафедрада 12 та ўқитувчи мавжуд бўлиб, улардан 2 та профессор, 3 та доцентлар, 1 та катта ўқитувчилар ва 6 та ассистентни ташкил этади. Катта ўқитувчи ва 3 та ассистент фан номзоди даражасига эга.

6. Кафедра даволаш факультети деканига бўйсунди.

7. Кафедранинг тузилиши ва штатлари ректор томонидан тасдиқланган.

Кафедра академия Илмий кенгашининг қарори асосида ректорнинг буйруғи билан ташкил этилади ва тугатилади.

8. Кафедрани 2014 йилдан т.ф.д. доц. Билалов Э.Н. бошқармоқда.

III. Кафедра мудирининг вазифалари

9. Кафедра мудирининг шахсий режаси ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

10. Кафедра мудирининг:

- Академия миқёсида кафедра фаолиятига тааллуқли масалалар муҳокамаси ва ҳал этилишида иштирок этади;

- кафедра иш режаси, профессор-ўқитувчи ва ходимларининг шахсий иш режалари ҳамда кафедра фаолияти доирасидаги бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;

- кафедра педагог ходимларига ўқув юктамаларни тақсимлайди ҳамда уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилади;

- кафедрага ишга олиш, ишдан бўшатиш ва ходимларни янги вазифаларга тайинлаш, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, интизомий чора кўриш тўғрисида академия раҳбариятига белгиланган тартибда таклифлар киритади;

- академиянинг тегишли хизмат бўлинмаларидан ўқув-тарбиявий ва илмий-тадқиқот жараёнини талаб даражасида ўтказиш учун зарур бўлган шароитларни таъминлашни талаб этади;

- белгиланган тартиб ва муддатларда ўқув йилидаги фаолияти бўйича кафедра ҳисоботини тайёрлайди, илмий Кенгаш мажлисларида ҳисобот беради.

IV. Кафедра фаолиятини ташкил этиш

11. Кафедра иши ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва тарбиявий ҳамда бошқа фаолият турларини қамраб олган истиқболлий ва жорий (йиллик) режаларга мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу режалар ва кафедра фаолиятига тегишли бошқа вазифаларнинг бажарилиши кафедра мудирининг раислигида ўтказиладиган мажлисларда муҳокама этилади. Кафедра мажлисларига бошқа кафедралар ва олий таълим муассасаларидан ходимлар таклиф этилиши мумкин.

12. Кафедра зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

- барча ўқув шакллари бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган ўқув режаларидаги фанлар бўйича белгиланган машғулот турларини юксак назарий, илмий-услубий ва касбий даражада ўтказиш, таълим сифатини таъминлаш;

- талабаларнинг мустақил ишлари ва илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- талабалар билимининг рейтинг назоратини жорий этиш, талабаларнинг аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;

- кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш, шунингдек турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларга тақриз ва хулосалар тайёрлаш;

- дарслик, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш, қайта нашр этиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётлар, шу жумладан хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда яратилган адабиётларга хулосалар тузиш;

- кафедра йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ДТС, ўқув режалари ва дастурларини ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим дастурлари билан қиёсий таҳлилни мунтазам равишда олиб бориш ва такомиллаштириш;

- иқтидорли талабаларни танлаш ва уларни тарбиялаш, олимпиада ва танловларда, шу жумладан “Истеъдод” жамғармаси танловида иштирок этишга тайёрлаш, талабаларнинг мустақил ишлаш шакл ва услубларини такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

- талабалар илмий-ижодий фаолиятини тизимли асосда ташкил этиш, иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни илмий тадқиқотларга жалб этиш, илмий-тадқиқот ишларини индивидуал ва жамоа бўлиб бажаришга ўргатиш, уларнинг илмий-ижодий фаолиятини рўёбга чиқариш учун зарур ташкилий, услубий ва моддий-техникавий шарт-шароитлар яратиш;

- тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама этиш, нашр этишга тавсия бериш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

- кафедра ўқитувчиларининг шахсий иш режаларидаги ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишларини кўриб чиқиш, тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш, умумлаштириш ва илғор тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган ишларни ташкил этиш;

- замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ёш ўқитувчиларга педагогик малака ва кўникмаларни эгаллашда ёрдам бериш, ахборот базасини яратиш, ўқув машғулотида замонавий ўқув-техника воситаларидан, яқка тартибда ўқитиш ва мустақил таълим олиш услубларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, ўқитишни замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган махсус ўқув аудиторияларида ташкил қилиш, масофали ўқитиш элементларини ривожлантириш;

- илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, кафедра мутахассислигига мос ёки турдош ихтисосликлар бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларни илмий семинарларда муҳокама қилиш, таълим

хужжатларининг меъёр талабларига жавоб беришини белгилаш бўйича эксперт гуруҳлари таркибида иштирок этиш;

- кафедра ихтисослиги бўйича мутахассислар малакасини оширишга йўналтирилган тадбирлар ўтказиш, таълим хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш;

- хорижий таълим муассасалари билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

- талабаларнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда турли мавзулар, йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича тўғарақлар ташкил қилиш, талабаларни дарсдан бўш вақтини унумли ва фойдали меҳнат билан банд қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

- академия ахборот-ресурс марказини кафедра таълим йўналишлари ва мутахассисликларига оид янги ўқув, илмий-техникавий ва даврий адабиётлар билан узлуксиз тўлдириб бориш ва янгиланишини доимий назорат қилиш.

Куз касалликлари кафедрасида бўлиши лозим ҳужжатлар рўйхати

1.Ташкилий ишларга оид ҳужжатлар:

1. ЎзР Конституцияси, ЎзР «Таълим тўғрисида»ги қонуни, ЎзР «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Давлат таълим стандартлари асосий қоидалари, Олий таълим ҳақидаги Низом.

2. Низомлар.

3. Буйруқлар.

4. Кафедра режалари

5. Илмий Кенгаш қарорлари

6. Давлат таълим стандартлари

7. Уқув режалар.

8. Намунавий фан дастурлари.

9. Ишчи фан дастурлари.

10.Талабалар ва магистрлар тугрисида маълумот.

11.Рейтинг назоратлари жадвали ва натижалари.

12.Уқув юкламалари.

13.Илмий ишлар.

14.Иктидорли талабалар билан ишлаш.

15.Ҳамкорлик алоқалари.

16. Магистрлик диссертациялари мавзулари

17.Топшириқлар ва ижро.

18.Профессор-укитувчилар ва ходимлар тугрисида маълумот.

19.Докторант ва тадқиқотчилар тугрисида маълумот

20.Амалиёт

21.Баённомалар

22.Хисоботлар

Ўқув, ўқув-услугий ишларга оид ҳужжатлар:

1. Намунавий ва ишчи дастурлар. Иқтидорли талабалар учун чуқурлаштирилган алоҳида ишчи ўқув дастури.
2. Маъруза ва амалий машғулотларнинг календар-тематик режаси.
3. Мустақил ишлар тематикаси.
4. Фан бўйича дарсликлар ва ўқув-услубий адабиётлар рўйхати. Талабаларни дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланганлик картаси; Кафедра ходимлари томонидан чоп этилган дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар рўйхати.
5. Фан бўйича амалий кўникмалар ва малакалар рўйхати. Амалий кўникмаларни баҳолаш мезонлари.
6. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг Низоми (академия ва аниқ баҳолаш мезонлари билан кафедра Низомлари).
7. Талабаларнинг ўзлаштириш экрани.
8. Якуний назорат қайдномалари (ведомостлар).
9. Профессор-ўқитувчи журнали.
10. Талабаларни маърузаларга қатнашишини қайд этиш дафтари.
11. Талабалар қолдирган ва ўзлаштирмаган дарсларни қайта қабул қилиш жадвали ва дафтари.
12. Очiq машғулотлар (амалий, маъруза), назорат ташрифи, ўқитувчиларнинг ўзаро ташрифларини қайд этиш журнали. Очiq машғулотларга берилган тақризлар.
13. Ягона методик тизим (ЕМС) бўйича услубий қўлланмалар. Талабалар мустақил иши бўйича методик қўлланма, кўрсатма ва тавсиялар.
14. Маърузалар матнлари, маърузаларнинг мультимедиа вариантлари.
15. Якуний Давлат аттестациясини ташкил қилинишига оид:
 - 15.1. фанлар бўйича назорат саволлари;
 - 15.2. низомлар, қарорлар, буйруқлар.

Илмий-тадқиқот ишларига оид ҳужжатлар

1. Кафедранинг тематик картаси (давлат рақами ва бажарилиши муддати кўрсатилиши шарт).
2. Кадрларнинг индивидуал тематик карталари.
3. Илмий изланишларнинг перспектив режаси.
4. Илмий изланишлар бўйича охириги 5 йиллик ҳисоботлар.
5. Илмий изланишларни татбиқи бўйича ҳисоботлар.
6. Илмий кадрларни тайёрлаш бўйича истикбол режа.
7. Монография, услубий қўлланмаларни чоп этиш режаси ва унинг бажарилиши.
8. Шартномавий ишларнинг бажарилиши ва улар натижаси таҳлили.
9. Кафедрада тайёрланган илмий кадрлар рўйхати.
10. Аспирант, изланувчи, докторант ва клиник ординаторлар фаолияти акс эттирилган ҳужжатлар.
11. Илмий алоқлар бўйича ахборотлар (папкаси).
12. Кафедра ходимлари чоп этган илмий ишлар нусхалари (сўнгги 3 йилдаги):

- 12.1. Илмий тезислар.
 - 12.2. Илмий маколалар.
 - 12.3. Монографиялар.
 - 12.4. Илмий – оммабоп брошюралар.
13. Ҳимоя қилинган диссертациялар авторефератлари.
14. Грантлар.

Маънавият ва маърифат масалаларига оид ҳужжатлар

1. Талабалар ва талабалар турар жойларида яшовчилар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишлар режаси.
2. Маънавият ва маърифат бурчаги (унда: Байроқ, Герб, Ўзбекистон мадҳияси плакат шаклида ҳам бўлади), Конституция, газеталар, мамлакатимиз равнақига оид турли хил сиёсий ва бадиий адабиётлар.
3. Кафедрадан аниқ бир гуруҳга тайинланган мураббийларнинг ҳар бирининг режа ва иш ҳужжатлари, журнали, амалга оширилган тадбирлари ҳақида баённомалар.
4. Кафедрадаги маънавият-маърифат хоналари ва бурчаклари
5. Мураббийлар фаолияти бўйича ҳужжатлар (режа, амалга оширилган тадбирлар баённомалари, мураббийлик йигилиши баённомалари, хисобот ва х.к.)
6. Маънавият-маърифат семинарларига оид ҳужжатлар, маънавият-маърифат соатлари баённомалари.

Даволаш ишларига оид ҳужжатлар:

1. Даволаш ишлари бўйича жавобгар ўқитувчининг иш режаси (бош врач билан келишилган ва кафедра мудирини томонидан тасдиқланган).
2. Кафедранинг ўқув базаларида ишлаш жадвали ва бириктирилган ўқитувчилар рўйхати.
3. Кафедранинг ўқув базалари билан тузган шартномалари.
4. Кафедра ўқитувчилари учун клиника бўлимларида бириктирилган беморлар сони ва ўқитувчиларни даволаш ишларида қатнашиши кўрсаткичлари:
 - жорий йилда бажарилган мураккаб амалиётлар (операция, реанимация ва бошқалар);
 - маслаҳатлар;
 - даволаш ишларига киритилган илмий ишларнинг натижалари, даволаш усуллари ва х.к. (актлар билан).

Клиник ординаторлар бўйича

1. Ўқув режаси .
2. Назарий семинарлар жадвали
3. Ҳар бир семинар учун тестлар банки
4. Клиник ординаторларнинг ротацияси жадвали

5. Беморларни кўриқдан ўтказиш ва даволаш стандартлари
6. Ротация ўтказиладиган муассаса билан шартномалар
7. Клиник ординаторларнинг шахсий варақаси

Кафедра мудири, т.ф.д.

Билалов Э.Н.